

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА МАЬНАВИЙ ҲАЁТ УЙГУНЛИГИ

Назаров Нурали Нормирзаевич
*ф.н. ЎзДЖТСУ Спорт ҳуқуқи,
ижтимоий ва табиий-илмий
фанлар кафедраси
профессори*

Аннотация: Мақолада жисмоний маданиятнинг моҳият ва мазмуни ижтимоий ҳаётда тутган ўрни фалсафий жиҳатдан ёритиб берилган.

Калит сўзлар: жисмоний маданият, жамият тараққиёти, ижтимоий ҳаёт, жисмоний ҳаракат, инсон саломатлиги, ёшлар, спорт маданий-ижтимоий ҳодиса сифати.

Тадқиқот натижалари: Собиқ иттифоқнинг исканжасидан қутулган юртимиизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин демократик жамият қуриш учун кенг кўламли вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлган, “ҳам жисмоний ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни вояга тарбиялаш олдимизга турган асосий вазифалардан бири эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига эришиш масалалари юзасидан мулоҳазали таклифлар ўртага ташланди. “Кимки маънавият масаласи – бу фақат Маънавият ва маърифат маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши деб ўйласа, хато қиласи”, – деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бугун дунёда кечаётган мураккаб жараёнларни таҳлил қилишда уларга, аввало, маънавият кўзи билан қараш, ҳаётимизга кириб келаётган, ахлоқимизга, менталитетимизга зид ғояларни аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манбаатларимизга, ҳаёт тарзимизга мос келмайдиган жиҳатларини очиб бериш ва табиийки, зарур чоралар кўриш муҳим аҳамият касб этади.[1]

Инсондаги мавжуд имкониятларни кенг қулоч ёйдириш учун шахснинг у ёки бу сифатларига, унинг бир катор ўзигагина хос хусусиятларини сафарбар қилишга бир томонлама ёндашиш йўли билан эришиб бўлмайди. Шахснинг барча жиҳатларини ҳисобга олувчи тадбирлар мажмуасигина ижобий самара бериши мумкин. Шунинг учун ҳозирги даврда жамият

тараққиётининг асосий кучи сифатида инсонга нисбатан янгича ёндашишнинг ижтимоий, сиёсий, моддий, маънавий, жисмоний, ахлоқий ва бошқа масалаларини ҳал қилмасдан туриб аҳолини соғломлаштириш даражасини яхшилаб бўлмайди. Ушбу масалалар мажмуасида инсон фаолиятининг барча йўналишларида ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда инсоннинг жисмоний такомиллашуви масаласи муносиб ва тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда аҳоли соғломлиги тушунчасига янгича назар билан қарашни шиддат билан тараққий этиб бораётган даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Ҳозирги жўшқин сиёсий, ижтимоий ва илмий-техника тараққиёти даврида аҳолини соғломлаштиришнинг моҳиятини очиб бериш ва унинг маъносини белгилашга, уни ўрганишга яхлит ва системали ёндашиш йўли билангина эришиш мумкин. Шу асосда иш олиб борилгандагина аҳолини соғломлаштиришнинг барча имкониятларини амалда тўлиқ юзага чиқаришга эришилади.

Инсоният пайдо бўлгандан буён одамлар жисмоний ҳаракат барча бойликлар ва инсон саломатлигининг манбаи эканлигини яхши тушунганлар. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида табиатни ўзлаштириш ва жамият билан, ҳалқ ва худуд билан яқиндан алоқадор бўлишда жисмоний ҳаракатлар ва жисмоний меҳнатга эҳтиёж сезганлар. Жисмоний меҳнатсиз ҳеч нарса содир бўлмаслиги, жисмоний меҳнатсиз инсон ўзининг инсоний ва ҳаётий эҳтиёжларини қондира олмаслигини ҳар қадамда хис қилганлар. Ана шу тариқа жисмоний ҳаракатдан жисмоний машқлар, жисмоний машқлардан жисмоний маданият кўнималари пайдо бўла бошлаган. Бусиз инсон ўзининг соғлом кундалик турмуш тарзини қўра олмаган. Бундай жисмоний машқларнинг табиий этномаданий кўринишларидан умуминсоний жисмоний маданият шаклларининг қарор топишига узоқ ақлий ва жисмоний меҳнат тажрибасининг тўпланиши зарур бўлган.

Ибтидоий одамларнинг ов машғулотлари учун эпчиллик, тезлик ва журъатли фаолият зарур бўлса, деҳқончилик учун қўл ва оёқ, гавда ва қўз ҳаракатларидағи уйғунлик талаб этилган. Гарчи бундай жисмоний меҳнат эҳтиёжлари ҳали жисмоний маданиятнинг ҳозир биз тушунган кўринишлари бўлмасада, ҳар қалай, жисмоний маданиятнинг илк намуналари бўлган. Уларсиз ва кейинги жисмоний ва маънавий тараққиёт маҳсули бўлган жисмоний маданият тушунчаси шаклланмаган бўлар эди.

Донишманлар олам ва одам, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурларни кенгайтирган сари жисмоний тарбиянинг ҳам умумфалсафий моҳиятига

аҳамият берганлар. Бутун олам ва табиатнинг материя яшаш шаклларидан эканлиги тан олинган сари ҳаракат тушунчаси ва унинг натижаси инсоннинг табиий ва ижтиомий моҳиятини белгилашда асосий роль ўйнай бошлади. Масалан, Аристотель “Ҳаракат-ҳаёт хазинаси” деган бўлса, Плутарх “Ҳаёт ҳаракатни талаб қиласди”, дейди.[2]

Ҳаракатда бўлган муносабат инсоният тараққиёти билан баробар равишда юксалиб, маънавийлашиб борди. Ҳаракат шунчаки жисмоний ва яшаш эҳтиёжларини қондиришдан чиқиб, маънавий-эстетик ва ижтиомий аҳамият касб эта бошлади. Бу нарса, айниқса, қадимги Юнон ижтиомий-тарихий шароитида ва этномаданиятида кўзга яққол ташланади.

Қадимги Юнонистондан бошлаб жисмоний ҳаракат жисмоний маданият эканлиги, жисмоний маданият мамлакат ва халқ ижтиомий-маънавий ҳаётининг кўзгуси эканлиги ҳақидаги тушунча ва қарашлар шаклланади. Бадиий адабиётларда, ҳайкалтарошлиқ ва тасвирий санъат асарларида пахлавонлик, ботирлик, чаққонлик, эпчиллик ва тезлик инсоннинг жисмоний машқи ва ҳаракати натижалари эканлиги ҳақидаги тасаввур шаклланади. Бундай тасаввурлар қадимги файласуфларнинг жисмоний тарбия ҳақидаги тушунча ва қарашларига асос бўлади. Гиппократ ёзади: “Гимнастика, жисмоний машқлар, пиёда юриш меҳнат қобилиятини ва саломатлигини сақлаб қолмоқчи бўлган, чинакам ва шодмон ҳаёт кечириши хоҳлаган ҳар бир одамнинг қундалик турмушидан мустаҳкам ўрин олмоғи лозим”. Ана шу тариқа жисмоний тарбия инсоният тарихидаги икки йўналиш бўйича қараш ва назарий асослари ривож топди: биринчиси жисмоний тарбия умуман инсон саломатлиги, кайфияти, фаолияти ва хатти-ҳаракатларидағи ўрни ва аҳамияти: иккинчидан, миллат ва мамлакатнинг эркин жисмоний камолотидан дарак берувчи профессионал спорт турларининг шаклланиши ва ривожланиши. Одамлар ва халқлар тасавvuрида жисмоний маданият, биринчи навбатда, ҳаракат ва ҳаракатдан барокат деган тушунча чуқур ўрин олди. Ҳамма халқларда ҳаракатсизлик-ўлим билан баробар, меҳнатдан узилган, аҳлоқ ва инсоннинг ижтиомий моҳиятига тескари ҳодиса сифатида қаралади. Ҳаракат эса ҳатто қарилик дил хириклиарини енгувчи, инсонга узоқ умр кўришни ҳадъя этувчи восита эканлиги идрок этилди. Масалан, Т. Тассо фикрича, “Ҳаракат таъсир жиҳатидан ҳар қандай дорининг ўрнини босиши мумкин, лекин дунёдаги жамики дори-дармон ҳаракатчалик таъсир кўрсатолмайди”. Қаерда ҳаёт бор экан, у ерда ҳаракат мавжуд. Ҳаракат тўхтаган жойда ҳаёт тўхтайди. Тўғри, ҳаракатнинг кўриниш ва йўналишлари кўп. Инсон жисмоний меҳнат қиласдими, ақлий меҳнат билан шуғулланадими, ўз фаолият турига

мувофиқ ҳаракат қиласи. Инсон фаолиятининг натижаси ҳаракат натижасига боғлиқ бўлади. Жисмоний меҳнат бошқа, ақлий меҳнат бошқа. Ҳар иккаласида ҳаракат мавжуд. Аммо Лев Толстой айтганидек, “Жисмоний меҳнат қилмаслик, ҳаракатсиз, фақат ақлий меҳнат билан шуғулланиш-ғам-ташвиш келтиради”. Лев Толстой фикридан шундай хulosса чиқариш керакки, жисмоний ва ақлий меҳнат турли, аммо муштарак ҳаракатлар бирлигидан ташкил топиши лозим.Faқат бир хил ҳаракат меҳнат фаолияти натижаси ва оқибатига таъсир этиши мумкин. Faқат ақлий меҳнат банд бўлиб, эрталабдан кечгача столда михланиб ўтириш наинки қон томирлари ҳаракати, умуртқа бўғинлари фаолияти, балки мия ва асаб бўғинларига ҳам салбий таъсир этиб, Толстой айтганидай инсонга “ғам-ташвиш” келтириши ҳам мумкин.

Демак, инсон фаолиятининг нормал ва унумли давом этиши учун инсон аъзоси баданининг ҳамма бўғинларини ҳаракатга келтириш, яъни жисмоний маданиятга эга бўлмоқ зарур. Акс ҳолда ё жисмоний ўсиш, ё ақлий ўсиш бўлиши мумкину, жисмоний маданият бўлмаслик эҳтимоли бор. Ана шундай мутаносибликни назарда тутган Платон ёзади: “Мутаносибликни сақлаш, гўзал ва соғлом бўлиш учун фақат фан ва санъат соҳасидаги билимларнинг ўзи кифоя қилмайди, бунинг учун умр бўйи бадантарбия ва гимнастика билан шуғулланиш талаб этилади”. Бу фикрнинг қанчалик тўғрилиги спортчи қиз ва йигитларимизнинг жисмоний гўзалликлари қанчалик саломатлиги ва соғлом руҳияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигига кўзга яққол ташланади.

Ўз ҳаётини жисмоний маданият ва спорт билан боғлаган ёшларда, биринчи навбатда, ишонч-эътиқод маданияти шаклланади. Галабага ишонч ярим ғалабадир. Галаба орзуси тинимсиз меҳнат, тинимсиз ҳаракатни талаб этади. Бундай мунтазам фаолият эса ишонч, ғурур, ифтихор, қувонч каби аҳлоқий туйғулар шаклланишида катта роль ўйнайди. Жисмоний маданият ва спорт инсон бадани ва вужудини жисмоний ва маънавий даволаш хусусиятига эга. Бунга Платон, Гиппократ, Ибн Синолар катта аҳамият берганлар. Платон гимнастикани тиббиётнинг шифобахш қисми, деб таърифласа, Гиппократ “Ёмғир дарахт ғуборини ювганидай, гимнастика бадан ғуборини тозалайди”, дейди.

Тарихдан маълумки, нафақат Европада балки, Осиёда ҳам жисмоний тарбия билан шуғулланиш соғлом авлодни шакллантиришнинг асосий воситаларидан бири эканлигини англаған аждодларимиз баркамол авлодни маънан ҳамда жисмонан бақувват бўлиши учун курашиб келганлар. Ўзларининг азалий машқларидан ташқари Ўрта Осиёга бостириб келган

халқларнинг жисмоний машқлари ҳам маҳаллий халқ томонидан ўзлаштирилган.

Беруний, Форобий, Ибн Сино ва бошқа алломалар томонидан жисмоний етукликни назарий асослари ҳам очиб берилган. Жисмоний етуклик алломаларнинг қарашлари бўйича инсондан доимий машғулотлар билан шуғулланиб туришни талаб қилган. Алломаларимиз ўз қарашларида жисмоний машқлар деганда инсон кундалик бажарадиган машғулотларни, югуришни, юришни, сакрашни отда бажариладиган машқлар ва бошқа жисмоний харакатларни мукаммал бажаришни тушунган ва ўз асарларида ижобий томонларини ёритиб берганлар. Ибн Сино учун бадан тарбияси инсон саломатлиги ва фойдали меҳнатининг гаровидир. Ибн Сино “Бадан тарбия” деганда инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ жуда кўп нарсаларни кўзда тутади: “Ўз вақтида, меъёри бадан тарбия қилган одамга дард яқин йўламайди”: “Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди, бунинг учун муайян бир тартибга риоя қилмоқ ҳам шарт”: “Бадантарбияни тарқ этган одам кўпинча хароб бўлади, зеро ҳаракатсиз қолган аъзоларнинг қуввати заифлашади”. Бинобарин, бадантарбия, яъни инсоннинг ўз бадани, танаси, вужудини доимий ҳаракат ва соғлом фаолиятда тутиб турса, бундай одам саломатлик жиҳатидан ҳам, узоқ умр ва кайфияти яхши бўлиш жиҳатидан ҳам ютади. Ибн Сино тасаввуридаги “бадан тарбияси” инсон умри учун зарур бўлган ҳаёт дори-дармони бўлиб кўзга ташланади. Демак, бадантарбия жуда кўп дориларга муҳтоҷ қилмайди, аммо биронта энг яхши дори ҳам бадан тарбияси, жисмоний тарбия ўрнини боса олмайди. Шунингдек, жисимоний маданиятнинг яна бир ижтимоий моҳияти ва аҳамияти шунда кўринадики, жисмоний ва ақлий меҳнатлар бир-биридан ажратилмаган ҳолда олиб борилиши зарур. Ақлий меҳнатдан сўнг дам олиш ёки чарчоқни чиқариш учун жисмоний меҳнат қанчалик зарур бўлса, жисмоний меҳнатдан кейинги ақлий меҳнат шунчалик самарали бўлади. Меҳнатнинг бу икки тури доимо бир-бирини тақазо этиб туради.

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг бошларида халқнинг аҳволи ўта аянчли бўлиб, мамлакатда очлик, иқтисодий танглик ҳукм сурарди. Жадидчилик ҳаракатининг фаол қатнашчилари Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Беҳбудий ва бошқалар ўлкани ҳалокатдан қутқариш ва тараққиёт йўлига буришда илм-фаннинг ўрни бекиёс эканлигини чуқур тушуниб етдилар. Илм-фанни равнақ топтириш, энг аввало, улар фикрича, мактабни ислоҳ қилишдан бошланиши керак. Улар мактабларда болаларни ўқитиш эски услубда олиб борилаётганлигини, у ерлардан замона

талабига жавоб берадиган илмли ёшлар чиқмаётганлигини алам билан таъкидлайдилар. Маърифатпарварлар, агар бундай ҳол ўзгармаса, Туркистоннинг иқтисоди, маданияти ва илм-фани таназзулга учрайди, халқи эса саводсиз, жоҳил ва нодонлигича қолиб кетади, деган фикрни билдирилар. Беҳбудий ақидасига кўра, илмсизлик, жаҳолат ва саводсизлик мамлакатни барбод қиласи, тарбиясизлик эса болаларнинг камолга етишувига халақит беради. У “Падаркуш” асарида бу ҳақда шундай дейди: “Бизларни хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банда қилғон тарбиясизлик ва жаҳолатдир. Беватанлик, дарбадарлик, асорат, факир ва зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва тарбиясизликни меваси ва натижасидир. Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қиласи. Асир ва забун бўлганлар-да беилмликдан”.[3] Эски мактаблар асосан динни ўқитишига, жоҳилона диний таассубга асосланган эди. Мактабларда чаласавод муллалар, диннинг ҳақиқий моҳиятини ва жамиятда тутган ўрнини тушунмайдиган муаллимлар сабоқ берар эдилар. Маърифатпарварлар мактабларда тартиб-интизом ўрнатилиши, уларда диний фанлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ўқитилишига катта эътибор берилиши лозимлигини уқтирилар.

Маърифатпарварлар илмнинг жамиятда тутган ўрнига катта баҳо бердилар, уни инсон кўркини безайдиган, ақлини чархладиган, дунёнинг сирру асроридан воқиф қилувчи, одамларни баҳт-саодат сари йўлловчи фазилат, уларга иззат ва обрў келтирувчи хислат, деб тушундилар. Мунавварқори илмни инсоннинг энг ноёб хунарларидан бирига киритади. Олимнинг фикрича, “илм одамнинг зеҳнини очар, ақлини орттирас, билмаган нарсаларини билдирас, дунёда баҳтли ва иззатли қилур. Охиратда саодатли ва шарофатли қилур”.[4] Маърифатпарварларнинг назарида, илм шундай катта кучки, у ҳалолни ҳаромдан ажратишга, яхшини ёмондан, савобни гуноҳ ишлардан фарқ қилишга, инсоннинг ўз хатти-харакатларини назорат қилишга ёрдам беради. “У маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур, Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни ортдирур, жаноби хақнинг азamat ва қудратини билдирур. Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, майшатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур”. [5] Кўринадики, маърифатпарварлар ахлоқ билан илм-фанни ўзаро боғлиқ ҳолда қарадилар. Уларни бир-биридан айириб бўлмайди. Зероки ахлоқ илм-фанни тўғри тушунишга, уни натижаларини жамият фаровонлиги ва манфаати йўлида хизмат қилишига ёрдам беради. Ўз навбатида фан

инсонларнинг гўзал фазилат ва хулқ-одоб қоидаларини касб қилишига кўмаклашади.

Хозирги кунда эътибор жисмоний тарбия жамоаларида оммавий спорт ва жисмоний тарбия соғломлаштириш машғулотлари ўтказилишига қаратилган. Бизнинг ёшларимиз ҳар томонлама маълумотли ва маънавий гўзалгина эмас, балки соғлом, чиникқан, жисмоний бақувват бўлиши ҳам керак. Бизни ҳамиша спорт чўққиларининг ўзгина эмас, балки энг аввало, спортнинг оммавийлиги қизиқтиради. Бу соҳада эришган муваффақиятлар равшан кўриниб турибди. Лекин шундай бўлса ҳам кўпчилик учун спорт ҳозирча ёлгиз томоша бўлиб қолмоқда. Бу ахволни тузатиш керак. Жисмоний тарбия аҳолининг кенг қатламлари ва айниқса, болаларнинг кундалик ҳаётидан кенг ўрин олмоғи керак.

Собиқ иттифоқ даврида яъни 1981 йилнинг сенгябрида “Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини янада юксалтириш тўғрисидаги” қарор қабул қилинди. Қарорда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ҳар куни олиб борлиши керак бўлган мактаб-интернатларда болаларни жисмоний тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Ёшларни дам олиши ҳақида гапирилганда, маданий муассасалар клуб ходимлари эътиборини йигит қизлар ўртасида пайдо бўладиган барча янгиликларни тузатиб бориш зарурлигига қаратиш лозим. Мактабларда олиб бориладиган жисмоний тарбия ишларини ривожлантиришга ота-оналар қатъий иштирок этиши керак. Жисмоний тарбия ҳар бир оиласа кириб бориши, эрталабки гимнастика, машқлари, ҳаракатли ўйинлар ҳар бир оиласа, айланиши, қишлоқ жойларда нормага айланиши зарур, деб таъкидланган бўлсада амалда тескариси бўлди. Амалда ўзбек йигит қизлари пахта майдонларидан чиқмадилар. Ёшларимиз ҳар томонлама маълумотли бўлиб қолмай, маънавий гўзал, соғлом, жисмоний бақувват бўлиши зарур. Бундай бўлиш учун спорт ҳаракатининг оммавийлигига эътибор бериш жисмоний тарбияни ривожлантириш ёшларнинг иродавий сифатларини чиниктириш, йигит ва қизларнинг жисмоний жиҳатдан меҳнат ва мудофага тайёрлаш зарур бўлади. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишда гигена талабларини бажариш катта аҳамиятга эга. Ўша даврда спорт гигиенасига спорт тўгараклари ва залларида эътибор деярли қаратилмади. [6]

Спортни маданий-ижтимоий тарихий ҳодиса сифатида ўрганар эканмиз, таъкидлаш жоизки, спортда ҳам худди инсоннинг бошқа фаолият соҳаларида бўлгани каби, юксак ва олижаноб мақсадлар ҳам, ғайрли, худбинларча ва паст тамойиллар ҳам ҳамиша бўлган, бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Ана шу

маънода жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги фан фалсафий антропология билан бирлашиб кетади. Чунки бу йўналиш асосчиси М.Шелернинг сўзлари билан айтганда, фалсафий антропология

-инсон моҳияти тўғрисидаги ва инсоннинг моҳиятан тузилиши тўғрисидаги; унинг табиат салтанатига (ноорганик дунёга, ўсимликларга, ҳайвонотга) муносабати тўғрисидаги;

-унинг метафизик жиҳатдан моҳиятан яратилиши ва унинг дунёдаги жисмоний, ақлий ва руҳий жавҳари тўғрисидаги;

-уни ҳаракатга келтирувчи ва у ҳаракатга келтирувчи кучлар ва имкониятлар тўғрисидаги; унинг биологик, психик, руҳий-тариҳий ва ижтимоий камолотининг асосий йўналишлари тўғрисидаги, унинг муҳим имкониятлари тўғрисидаги ва уларни рўёбга чиқариш тўғрисидаги фундаментал фандир.

Жисмоний тарбия назарияси ва услубиятига оид илмий адабиётларда, спорт, ундан кўзда тутилган ижтимоий муҳим мақсадларга мувофиқ равища, турли-туман йўналишлар, турлар, таснифларга ажратилади. Буларнинг ҳаммаси спорт фалсафаси доирасида спорт, жисмоний маданият ва жисмоний тарбия назариясининг тоифаловчи-таърифловчи тизимини ишлаб чиқиш, янгилаш ва такомиллаштириш масаласини тақазо этади.

Спорт жамиятнинг асосий соҳаларига кенг таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда спорт - бу меҳнат, севимли машғулотлар, бўш вақт ва шахсий ривожланиш жараёнига бевосита таъсир қилмоқда. Албатта унутмаслигимиз лозимки, жисмоний машқлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг асосий воситаларидан бирига айланган шу билан бирга ижтимоийлашувнинг доимий узлуксиз бўлган жараёнида муҳим ўрин тутади. У энг самарали спорт машғулотлари орқали амалга оширилади, бу хатти-ҳаракатларнинг ўзгариши ва асосий қадриятлар йўналишини ривожлантиришда намоён бўлади. Спорчилар ижтимоийлашув жараёни орқали хулқ-атвор нормаларини қадрлашни ўрганадилар. Инсон спортда маълум қўникмаларни ўрганади ва ўз хулқ-атворини шакллантиради. Ижтимоийлашув жараёнини амалга оширишдаги фарқлар субмаданиятлар ва таълим анъаналарининг хусусиятларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Спорт орқали маънавий билимлар бойитилади, одамлар мураккаб қадриятлар тизимига, атрофдаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг тан олинган меъёрларига мослашиб бораверадилар.

Кейинги йилларда мамлакатимизда спортни оммалаштириш ишлари олиб борилмоқда. Республикада охирги йилларда жисмоний тарбия ва

спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати мавжуд. Мамлакатда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларни орттиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция) жараёнига инновацион шакллар ва усулларни жорий этиш, маънавий баркамол, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом, ватанпарвар инсонни тарбиялаш ва вояга етказиш, ватанига хизмат қилишга фидойи бўлган номзодларни мақсадли ва тизимли равишда тайёрлашни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди. Бу фармонларнинг амалдаги ижроси соғлом турмуш тарзини фаол равишда тарғиб қилувчиларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Тўғри овқатланиш, эрталабки машқлар, спорт билан доимий шуғулланиш соғлом одатларни шаклланишига олиб келади. Жисмоний фаоллик нафақат чидамлилик ва жисмоний қучни ривожлантиради, балки руҳий ҳолатга ҳам таъсир қиласи. Айнан жаҳонда COVID-19 коронавирус пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиғи, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатди. [7,8]

COVID-19 коронавирус инфекцияси аввало юрак-қон томир ва нафас олиш йўллари ҳамда семизлик (ортиқча вазн) касаллигига чалинган фуқароларимизнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатди. Натижада, бугунги пандемия орамиздан кўплаб фуқароларимизни бевақт дунёдан кўз юмишига

сабаб бўлди. Барчамиз бундан жиддий хулоса қилган ҳолда заарли одатлардан воз кечиб, оммавий спорт билан доимий шуғулланиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, хусусан таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва шириналликларни, нон маҳсулотларини меъёридан ортиқ истеъмол қилмасликни, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётимизга айлантиришимиз зарурлигига яна бир бора амин бўлдик. Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан муентазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникумаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш, заарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ва самарали ташкил қилишнинг ижтимоий заруриятини ҳис қилдик.

Фармонда ҳар шанба соат 14:00 дан кейин ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тениси, сузиш ва бошқа спорт турлари бўйича оммавий спорт мусобақалари ташкил этилсин. Бунда, мусобақалар байрамона руҳда, «шоу» кўринишида ўтказилишига, ғолиб ва совриндорлар муносиб рағбатлантирилишига алоҳида эътибор қаратилиши, меҳнат жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш учун барча зарур шароитларни яратишни (тренажёр зали, «Workout» майдончаси, спорт майдончалари ва хоналари, спорт машғулотлари ва мусобақалари) молиялаштириш давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши, биринчи раҳбарлар “Шахсий намуна” тамоилии асосида ўзларининг антропометрик кўрсаткичларини яъни семизлик даражасини, вазн индексини камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш яхшилаш орқали ходимларнинг антропометрик кўрсаткичлари яхшиланишига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин деб белгилаб қўйилган.

“Жисмоний тарбия ахлоқ, меҳнат, ақл-заковат ва эстетик тарбия уйғунлаштиргандагина кишиларнинг баркамол ривожланишига, уларнинг маънавий фазилатларига катта ҳисса қўшади. Спорт орқали ижтимоийлашувнинг ёрқин намунаси, Паралимпиячи спортчилардир”.[9] Паралимпиячилар қийин ҳаётий вазиятларга қарамай, ўз мақсадлари, жамиятдаги ўрнилари учун кураша оладиган руҳан кучли, иродаси бақувват жамиятимизнинг фаол аъзоларидир. Дарҳақиқат, жисмоний тарбия ва спорт

нафақат инсоннинг ижтимоийлашувини шу билан бирга жисмоний хусусиятларини, унинг фаровонлигини ва ўзига хос қобилиятларини шакллантириш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, вужудга келган илмий анъаналарни давом эттирган ҳолда спортнинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатидаги моҳиятини тадқиқ этиш, унинг ижтимоий муносабатларнинг вужудга келган барча тизимларидағи аҳамиятини ва ўрнини аниқлаб бугунги таҳликали ва шиддат билан ривожланиб бораётган замонда илмий жиҳатдан ёритиб бориш давр талабидир. Юқорида қайд этганимиздек, жисмоний тарбия ҳаётимизда алоҳида ўрин эгаллашини ҳамма билади. Жисмоний маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзининг соғломлаштирувчи жиҳати билан қамраб олган. Спорт билан шуғулланиш инсоннинг меҳнат фаолиятига, унинг ахлоқий ва психологик тафаккурига ҳам таъсир қиласи. Болалиқдан соғлом турмуш тарзини, спорт билан шуғулланишни тўғри йўлга қўйилса бола ёшлигиданоқ жисмонан яхши ривожланади, масъулиятни ҳис этишни ўрганади, дуч келадиган эҳтимолий қийинчиликларга чидамли бўлади, бу эса кейинчалик унинг ҳар томонлама жисмоний ҳамда маънавий ривожланишида муҳим омиллардан бири вазифасини бажаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жўрақулов Ф. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги – тараққиётнинг асосий драйвери. “Xalq so‘zi” газетаси, 2022 йил 2 февраль, 24-сон
2. Воронцов Вс. Тафаккур гулшани. Т., F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 527-бет:
3. Беҳбудий. Падаркуш. Ўзбек педагогикаси антологияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1995. 449-бет.
4. Мунавварқори Абдурашидхонов. Адибуссоний. Танланган асарлар. Т.: “Маънавият”, 2003. 73-бет.
5. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: “Ўқитувчи”, 1992. 22-23-бетлар.
6. Минх А. А. Очерки по гигиене физических упражнений и спорте: учебно-практическое издание-Стеротипная издания.-М: Альянс, 2016.-384с.
7. <https://lex.uz/docs/4711327>
8. <https://lex.uz/acts/5077667>
9. Хузина Г. К., Низамова Э. Р. Значимость занятий физической культуры в социализации личности //Наука в условиях пандемии: трансформации,

коммуникации, стратегии : сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции 11 февраля 2021г. : Белгород : ООО Агентство перспективных научных исследований (АПНИ), 2021. С.105-107. URL: <https://apni.ru/article/1922-znachimost-zanyatij-fizicheskoy-kulturi>



"Innovations in Science and Technologies"